

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

ТАРЖИМОН – МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



Илхом Мадаминович ТЎХТАСИНОВ

филология фанлари номзоди

ректор

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Аннотация

Мақола таржимон-мутахассисларнинг умумий тайёргарлиги муаммоларига, шунингдек, таржимонларга, уларнинг лингвистик ва экстралингвистик билим ва компетенциясига қўйиладиган талаблар ҳамда таржимонлар билимини малака ошириш курсларида такомиллаштиришни ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: таржимон, мутахассис, таржима, билим, кўникма, таржима қодалари, методика ва методлар.

Илхом Мадаминович ТУХТАСИНОВ

кандидат филологических наук

ректор

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Аннотация

Статья посвящена проблемам общей подготовки переводчиков-специалистов, а также требований к переводчикам, их лингвистическим и экстралингвистическим знаниям и компетенциям, совершенствованию их знаний на курсах повышения квалификации.

Ключевые слова: переводчик, специалист, перевод, знание, компетенция, правила перевода, методики и методы.

Ilkhom Madaminovich TUHTASINOV

Candidate of Philology

Rector

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Abstract

The article is dedicated to the issues of general tendencies, demands of translators, linguistic and extra-linguistic comprehension and competences, improving them in training courses.

Keywords: translator, specialist, translation, knowledge, competence, translation rules, techniques and methods.

Таржима нутқий фикрлаш фаолиятининг махсус билим, маҳорат талаб қиладиган ва сезиларли даражада интуитив равишда ҳосил бўладиган жуда мураккаб тури ҳисобланади. Бундай билим ва маҳорат кўникамаларини эгаллаш ўқиш ёки узоқ вақт амалиёт ўташ орқали ўгириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни кўнгилдагидек ҳал этиш имконини берувчи интуитив

қобилиятни ривожлантиради. Табиийки, бундай қобилиятнинг ҳосил бўлиши ва муваффақиятли тарзда юқори даражага чиқиши, кўпинча, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Таржимонлик фаолиятида юқори натижаларга айнан шу соҳада туғма иқтидори бўлган инсонларнинг эришиш эҳтимоли юқори. Шунингдек, ўта қобилиятли таржимонлар махсус тайёргарликсиз ва кўп куч сарфламасдан бошиданок ажойиб таржимонлик маҳоратини намоиш эта олганликлари ҳам маълум. Аммо тажриба шуни кўрсатадики, таржима алоҳида истеъдодга эга бўлган кам сонли кишилар иши эмас ва шу соҳада ўқиганларнинг кўпчилиги зарур профессионал даражага бемалол чиқиб олишлари мумкин (1, 36). Албатта, муваффақиятли таълим кўп жиҳатдан ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқув дастурлари ва ўқитиш услублари билан боғлиқ.

Демак, таржимага алоҳида ўқув йўналиши сифатида ўқитиш керак, ўгириш маҳоратини эгаллаш фақат алоҳида иқтидорли инсонлар учун мўлжалланган машғулот эмас. Ушбу ҳолат ҳозирги кунда бутунлай тан олинган ва таржимонлар тайёрлайдиган барча ўқув муассасаларида ўқувчиларга таржима назарияси ва амалиётига оид машғулотлар таклиф этилади. Таржимага ўқитиш усули асосларида инсоннинг таржимонлик маҳорати худди тилларни ўзлаштириш қобилияти сингари генетик унсурлар билан боғлиқ, дея уқтирилади. Шундай бўлса-да, бундай маҳорат ҳаммада ҳам бир хил даражада бўлмайди, уни ривожлантириш ва профессионал даражага етказиш мумкин.

Таржимага ўқитиш фақат соф амалий, яъни ўқувчиларда зарур таржимонлик компетенциясини шакллантирилиши билангина аҳамият касб этмайди. У шунингдек муҳим умумлингвистик ва умумтаълим мажбуриятларни ҳам бажаради. Таржима билан шуғулланиш ўқувчиларда семантиканинг нозик жиҳатлари ва тил бирликларининг қўшимча маъно берадиган жиҳатларига эътибор қаратиш кўникмасини шакллантиради, тилларни системали ташкил этилиши ва ишлатилишининг ўзига хосликлари, ҳар бир тил ёрдамида “олам манзараси” хусусиятлари, турли тиллар жамоалари вакиллари маданияти ва фикрлашидаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни очиқ беради (2, 123). Таржимонлик ваколатини яратиш бўлажак таржимонлар шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради: уларда хушёрлик ва масъулият ҳисси, маълумотномалар ва қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиш, танлаш, тез ва тўғри қарор қабул қилиш, тилшуносликка оид ва қўшимча лингвистик маълумотларни аниқлаш ҳамда таққослаш кўникмаларини шакллантиради. Таржимоннинг профессионал тайёргарлиги юксак маданият, кенг энциклопедик билим, дилкашлик, билимни мунтазам тўлдириб бориш, кенг қамровли қизиқишлар каби

сифатларни талаб этади. Барча мана шундай сифатлар икки тилда ва икки хил маданиятда намоён бўлади (3, 27).

Ҳар қандай ўқув йўналиши мундарижаси ўрганилаётган предметнинг ўзига хосликлари ва ўқитишнинг пировард мақсади билан белгиланади. Таржимонлик фаолияти моҳиятини қоидалари бўлажак таржимонлар тайёрлаш дастури асосларига киритилган таржима назарияси ўрганади, фикрлайди ва тасвирлайди.

Лекин таржима курсларининг асосий вазифаси талабаларга бир қанча билимлар йиғиндисини беришдангина эмас, балки улардан таржималарни профессионал даражада бажара оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам курсларнинг каттагина қисми профессионал таржима маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиришга, таржимонлик стратегияси ва техникаси унсурларини эгаллашга, мураккаблик даражаси турлича бўлган матнларни ўгириш бўйича тажриба тўплашга бағишланади.

Таржимага ўқитишни ташкил этиш ва уни ўқитиш усуллари бир қанча асл фаразлар қабул қилиниши билан белгиланади:

– Таржима ақлий фаолиятнинг мураккаб ва кўп қиррали тури бўлиб, у турли мақсадларни кўзлаши, ҳар хил шароитларда, турли йўллар билан ва кўплаб унсурлар таъсирида амалга оширилиши мумкин.

– Ҳар қандай фаолият сингари таржима ҳам амалга ошиши учун ўқитиш жараёнида ҳосил қилиниши лозим бўлган муайян билим, маҳорат (муайян бир ҳаракатни онгли равишда бажариш) ва кўникмани (муайян ҳаракатни ярим ихтиёрий ва беихтиёр (автоматик) равишда бажариш) талаб этади.

– Таржимонлик фаолияти таржимон томонидан онгли (тахлил ва асосланган хулосалар ёрдамида) ёки интуитив тарзда амалга оширилиши мумкин. Фаолиятнинг онгли ва интуитив кўринишлари орасидаги нисбат ҳар хил таржимонларда, ҳар хил матнларни турли шароитларда ўгириш асносида турлича бўлади. Онгли ва интуитив ўгириш қобилияти (таржимонлик ваколоти) ўқитиш ва амалиёт жараёнида ривожланиб бориши мумкин.

– Таржимонлик ваколанинг амалга ошиши таржимоннинг тил билан боғлиқ шахси иштирокида рўй беради. Бунинг учун таржимонда ҳар томонлама когнитив ва лингвистик билимлар, кенг кўламли умуммаданий билимдонлик, зарур руҳий сифатлар ва адабий истеъдод бўлиши лозим. Бундай сифатлар таржима қилишга ўргатиш жараёнида ривожланиб ва рағбатлантирилиб бориши керак.

– Таржима қилишга ўргатиш вазифаси таржимон ҳар қандай вазиятда беихтиёр қўллай олиши мумкин бўлган қандайдир меъёрлар, қоида ва рецептларни ўзлаштириш эмас, балки таржима қоидалари, услублари ва

усулларини эгаллаш, уларни танлай билиш, муайян шароитларда турли матнларга нисбатан, турли мақсадларда турлича қўллаш олишдадир. Ўгириш жараёнида таржимон томонидан ҳал этиладиган шахсий масалалар барчага маълум усул ва қоидаларни қўллаш имконини берувчи бир қолипдаги ёки таржимонлик стратегиясининг умумий қоидалари асосида матнда яширинган маъно ва тегишли вазиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда янгича ечим топишни талаб этадиган индивидуал бўлиши мумкин. Ечим қидириш муайян қоида ва усулдан фойдаланиш имконияти ҳақидаги, унинг ўзгарадиган ёки одатий, қолипдаги ечимдан воз кечиб, ноёб, окказионал ечимни танлаш зарурати ҳақидаги хулосалардан иборат бўлади.

– Таржимонлик фаолияти объекти асл матндаги ахборот ҳисобланади. Матн (хабар) мундарижаси семантик ва шаклан алоҳида қисмларининг бир-бири билан боғлиқ, бироқ узвийликда турлича аҳамият касб этувчи тугалланган бирбутун кўринишда намоён бўлади. Бирбутун ва унинг қисмлари орасидаги боғлиқлик ўгириш жараёнида турлича намоён бўлади:

– Таржиманинг тури ва унинг мақсадларидан келиб чиқиб. Матннинг алоҳида унсурларини ўгиришда, муҳимлигига қараб нисбатан аниқ ва тўлақонли ифода юзага келиши мумкин. Шу маънода бир бутун алоҳида қисмларига нисбатан аҳамиятлироқ бўлиши мумкин (бўлмаслиги ҳам мумкин).

– Матнни ташкил этувчи тил бирликлари ўз-ўзича таржима объекти бўла олмайди, аммо матн мундарижаси, матнда муайян тил воситаларининг учраши улар орқали юзага келади, семантик аҳамиятга эга бўлади, таржима вазифасининг характерини аниқлай олиши ва таржима учун муайян қийинчиликларни туғдириши мумкин. Шу маънода тил бирликлари аҳамиятини таржима жараёнида матн улкан мундарижасининг бир бўлаги сифатида ифодалаш муаммоси туради.

– Кўрсатилган нисбат таржима қилишга ўргатида фойдаланиладиган ўқув таржимани профессионал таржимоннинг иш шароитларига яқинлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, ўқув мақсадларида муайян қолипдаги таржима қийинчиликлари ва масалаларини иложи борича кичик қисмда ажратиб кўрсатиш имконини берадиган матннинг айрим бўлақлари, баъзи ифодалардан фойдаланиш мумкин.

– Таржимага ўқитиш жараёнида фойдаланилаётган ўқув материали (матн, ифода, сўз)ни ўгириш усуллари эмас, балки типик таржима масалаларини ечиш услублари ва индивидуал ижодий ечимлар қидириш стратегияси ўрганлиши лозим. Шу маънода таржима қилишга ўргатиш ўқув материалда типик таржима масалаларини ажрата билиш ва уларни ечишнинг умумий қоидалари ва шахсий усулларини шакллантиришни талаб қилади.

Турли хил таржималарда умумий қоидалар ва усуллар билан бирга ҳар бир тур учун мос келадиган махсус услублар ҳам қўлланиши мумкин.

Тиллар ўртасидаги боғланиш – коммуникация хусусияти аслият бир бўлагини ўгириш вариантларининг принципиал хилма-хиллигини белгилаб беради. Шу боис ўкитиш жараёнида талабалар олдига берилган матнни ўгиришнинг ягона тўғри (ёки оптимал) кўринишини яратиш вазифаси қўйилмайди. Шу билан бирга ўкитиш жараёнига ўқув таржималарини танқидий руҳда баҳолаш ва тўғри келмайдиган вариантларни рад этиш ҳам киради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Natim, Basil. Teaching and Researching in Translation. London, Longman. 2001. p – 36.
2. Алексеева И.С. Введение в переводоведение Текст.: учебное пособие для студентов филол. и линг. факультетов высших учебных заведений / И.С. Алексеева. М.: Издательский центр «Академия», 2004(а). - 352 с
3. Бархударов Л.С. Язык и перевод Текст.: вопросы общей и частной теории перевода / Л.С. Бархударов. – М.: Международные отношения, 1975. – 237 с.